АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЎҒЛИ ЧЎЛПОН НОМИДАГИ КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ





Дилноза Азимова,
Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона маркази ўқув заллари шўъба мудири

In accordance with the government's decision, the construction of a library named after Abdulla Qodiri and Abdulhamid Sulaymon oglu Cholpon in Almazar district was put forward. In detail, two book-shaped library buildings have been completed. On the right side of the open book-shaped building there is a library named after A. Cholpon, and on the left side there is a library named after A. Qodiri. Of course, at the heart of this is a great goal, which is to provide libraries with new masterpieces of national and world literature, periodicals, as well as an e-reading room, fast and quality service to all users through electronic resources. A large common reading room for 52 users at a time, an e-reading room for 16 people, a large conference hall for 30 people are equipped with modern desks, chairs, computers. A number of remote events were also held in order to provide remote services to users, to acquaint readers with the books in the fund and to improve the reading culture.

Ключевые слова: широкие социальные изменения, библиотека, тенденции развития, электронные базы данных, роль библиотеки, актуальность, доступ.

Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон номли китоб шаклидаги икки кутубхона биноси қуриб битказилди. Очиқ китоб шаклидаги бинонинг ўнг томонига Абдулҳамид Чўлпон, чап томонига эса Абдулла Қодирий номи берилган

Халқимиз орасида китоб ўқиш ва китобхонликни тарғиб қилиш ва китоб хонларга қулай шароит яратиш мақсадида республикамизнинг турли жойларида замонавий янги кутубхоналар барпо этилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона марказ филиали сифатида Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон номли китоб шаклидаги икки кутубхона биноси қуриб битказилди. Очиқ китоб шаклидаги бинонинг ўнг томонига Абдулҳамид Чўлпон, чап томонига эса Абдулла Қодирий номи берилган.

Мазкур кутубхона фаолиятида пойтахт мактаблари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек ўзбек адибларимизнинг асарларини ёшларга кенг тарғиб қилишни мақсад қилган.

Кутубхоналарни ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари, вақтли нашрлар билан таъминлаш билан бирга, китобхонлар мавжуд электрон ресурсларни мутола қилишлари учун 16 ўринли электрон ўқув зали, бир вақтнинг ўзида 52 нафар фойдаланувчига мўлжалланган катта умумий ўқув зали, 30 ўринли катта мажлислар зали мавжуд.

Кутубхоналар фондини тўлдиришда, биринчи навбатда, аҳолидан тушаётган талаблар, уларнинг қизиқишлари ва сўровлар ўтказиш орқали керакли адабиётлар билан таъминлашдир.

Кутубхона мутахассислари Олмазор туманида мавдуд 36 та мактаб маъмурияти билан келишган ҳолда турли тадбирларни мунтазам ташкил этилади, жумладан: китобхонликни кўтаришга қаратилган адабий викториналар, учрашув ва китоб-расмли кўргазма ва бошқалар.

Фойдаланувчиларга масофадан хизмат кўрсатиш, фонддаги китоблар билан яқиндан таништириш ва мутолаа маданиятини ошириш мақсадида бир қатор масофавий тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан: Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Алишер Навоий, Саид Аҳмад, Тоҳир Малик, Саида Зуннунова, Мақсуд Шайхзода каби шоир ва ёзувчиларнинг кўпгина асарлари ижтимоий тармоқларда кенг тарғибот қилинмоқда. Шунингдек, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони, М Булгаковнинг «Уста ва Маргарита», Л. Н Толстойнинг «Авлиё Сергей» асарига буктрейлерлар яратилиб кутубхонани ижтимоий тармоқлари орқали намойиш этилди.

Аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш борасида бир қанча онлайн лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Жумладан, ахборот-кутубхона маркази



ижтимоий тармоқларида ***«Менинг тавсия китобим»*** хештеги эълон қилди. Унга кўра, фойдаланувчи ўзининг севимли бўлган китобини бошқаларга видео мурожаат орқали тавсия этиши ва юбориши керак. Шу кунга қадар кўплаб китобхонлардан ўзларининг севимли китоблари билан олинган видеороликлар ижтимоий тармоқ саҳифаларида ёритилди.

Уйда ўтирган аҳолининг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Ақлли карантин» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, ҳар куни @aqllibilim номли телеграм каналида қизиқарли, интеллектуал, мантиқий, ақлни чархловчи тест саволлар бериб борилади. Онлайн викторина кўринишидаги ушбу лойиҳа ўқувчиёшларнинг адабий, тарихий саводхонлигини янада ошириш, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг билимларини оширишга хизмат қилади.

«Китобхон маҳалла» лойиҳаси доирасида яна бир акция телеграм ижтимоий тармоғида ***t.me/bilimaksiya*** йўлга қўйилди. Ушбу акциянинг шиори «Китобхон кутубхонага келолмаса, китоб китобхонга боради!». Бу лойиҳада ҳар куни энг сара асарлар электрон шаклда юклаб борилади.

Бугунги кунда дунё бўйлаб ўтказилаётган китоб акцияларидан бири «book crossing» (китоб саёҳати) дир. Унда 400 минг атрофида буккроссерлар мавжуд бўлиб, (130 мамлакатда) улар томонидан саёҳатга чиқарилган китоблар сони 1 миллионга яқинлашиб қолди.



Бук кроссинг (инглиз тилида «book crossing» «китоб саёҳати») бу ижтимоий лойиҳага 2001 йили интернет технологи Рон Хорнбекор асос солган. Бу анъанани юртимиз бўйлаб кенг тарғиб қилиш ва китобхонларга сара адабиётларни тавсия этишмоқда. Тошкент шаҳар «Bilim» бук кроссери ташкил этилди. «Bilim» бук кроссер лойиҳасида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча фуқаролар иштирок этиши мумкин. Акция иштирокчилари ўқилган китобларини танлаб, юртимиз бўйлаб саёҳатга чиқаришлари керак. Китобни нима учун қўйиб кетганлиги ҳақида ва унинг бўлажак ўқувчисига тилак ёзиб, қўйиш керак. Китоб қаерга қўйиб кетилса, бу ҳақда *@bilimaksiya-_bot* манзилига маълумот – видеолавҳа ёки фотосурат орқали юборилади. Ушбу акцияда Абдулла Қодирий ва Чўлпон кутубхонасининг фаол китобхонлари иштирок этиб 20 дан ортиқ китобларни «саёҳат»га чиқардилар. Улар орасида барча ёшдагилар учун қизиқарли бўлган энг сара асарлар ўрин олган.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакат бўйлаб китобхонликни кенг тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шундай экан, халқимизнинг ҳаётида китобхонликни доимий одатга айлантириш кераклиги, ўқувчиларни бу масканга кўпроқ жалб этиш орқали унинг нуфузини ошириш барчамизнинг муҳим вазифаларимиздандир.

Бугунги кунда дунё бўйлаб ўтказилаётган китоб акцияларидан бири «book crossing»дир. Унда 400 минг атрофида буккроссерлар мавжуд бўлиб, (130 мамлакатда) улар томонидан саёҳатга чиқарилган китоблар сони 1 миллионга яқинлашиб қолди.

Дилноза Азимова – руководитель сектора читального зала информационно-библиотечного центра «Bilim» города Ташкента.

В статье рассматривается разносторонняя деятельность библиотеки Алмазарского района имени Абдулхамида Чулпана информационно-библиотечного центра «Bilim» г. Ташкента по оказанию информационно-библиотечных услуг широким слоям населения г. Ташкента, повышению культуры чтения и развитию духовно-нравственного уровня молодого поколения, привлечения в ряды пользователей библиотеки детей младшего и школьного возраста, а также учащейся молодежи, организации полезного досуга, усилению их творческой и познавательной активности. ■